

## Вазирлик ва идораларда мақсадли индикаторларнинг бажарилиши аудитдан ўтказилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2021 йилдаги ПҚ–73-сон қарорига мувофиқ 2022 йил якуни бўйича **40 та** вазирлик ва идораларда мақсадли индикаторларнинг бажарилиши аудитдан ўтказилди

Мазкур вазирлик ва идораларга 2022 йилда белгиланган **547 та** мақсадли индикаторлар прогнозини бажариш учун **28,6 трлн сўм** бюджет маблағларини ажратиш кўзда тутилиб, йил давомидаги мақбуллаштириш натижасида **35,5 трлн сўм** ажратилган ва шундан **32,1 трлн сўми** сарфланган.

### I. Аниқланган камчиликлар

Индикаторларнинг **360 таси** (65,8 фоиз) тўлиқ ва **128 таси** (23,4 фоиз) қисман бажарилган бўлса, **59 таси** (10,8 фоиз) умуман **бажарилмаган**.

Хусусан, **Соғлиқни сақлаш** вазирлигида **88 та** индикатордан **32 таси** қисман бажарилган, **4 таси** бажарилмаган.

**Қишлоқ хўжалиги** вазирлигида **24 та** индикатордан **7 таси** қисман бажарилган, **4 таси бажарилмаган**.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан “**Хавфсиз мактаб**” лойиҳаси (давомат назоратчи бўйича *Face ID электрон дастури*) **130 та** мактабда **жорий этилмаган**, **4,3 минг нафар** ўқитувчини ахборот-технологиялари бўйича ўқитилиши **таъминланмаган**.

Шу каби, қайта тайёрлаш ёки малака оширишдан ўтган нодавлат мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларининг улушини **24,5 фоизга** етказиш режаси амалда атиги **0,02 фоизга** бажарилган.

Индикаторлар ижросини **ҳар чорак якунида** вазирлик ва идоралар **ички аудит хизматлари** томонидан баҳолаш талаби **бажарилмай келмоқда**.

Хусусан, Қишлоқ хўжалиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликлари, Ўрмон хўжалиги, Гидрометеорология хизмати агентликлари, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ички аудит хизматлари индикаторларнинг бажарилишини умуман **ўрганмаган**.

Шу каби, Ташқи ишлар вазирлиги, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ички аудит хизматлари вақант лавозимлари **тўлдирилмаганлиги сабабли** ўрганишлар ўтказилмаган бўлса, Инвестиция, саноат ва савдо вазирлигида ички аудит хизмати **мавжуд эмас**.

Айрим вазирлик ва идоралар томонидан индикаторларни асоссиз равишда **ўзгартириш** ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги аниқланди.

## II. Дастурларга ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш жараёнида қўйидагилар аниқланди

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиёт муассасаларини локал тармоқларга улаш мақсадли индикатори (*68 фоизга бажарилган*) бўйича белгиланган **ишлар якунига етказилмаган** бўлсада, “IT-Med” МЧЖга **29,2 млрд сўм** ўтказилган.

Маданий мерос агентлиги томонидан объектларда реставрация ишларини амалга ошираётган пудратчи ташкилотларга бажарилмаган ишлар учун олдиндан **2,5 млрд сўм ортиқча** маблағ ўтказилган.

Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан ҳудудларда жорий этиш режа қилинган, бироқ амалда **қурилиши якунланмаган 16 та** насос ва қудуқлар учун **5,9 млрд сўм самарасиз** сарфланган.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан мақсадли индикаторда кўзда тутилмаган Баркамол авлод болалар мактабларига робототехника олиш учун **4,4 млрд сўм** сарфланган.

Гидрометеорология хизмати агентлиги “Гидрометеорология хизмати марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш дастури”га ажратилган маблағлардан **1,4 млрд сўми**ни **дастурда кўзда тутилмаган** Наманган вилоятида “WPM 200 метеорологик радиолокатор” объектини қуриш ишларига **мақсадсиз** сарфлаган.

Қолаверса, объектда бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг **840,8 млн сўмлик** қисм ҳақиқатда **бажарилмаганлиги** аниқланди.

Сув хўжалиги вазирлиги томонидан **янги** ўрнатиладиган энергия тежамкор қурилмалар ҳисобига электр энергия иқтисод қилиш режаси, амалда **эски русумдаги** қурилмаларни сотиб олиб ўрнатилиши оқибатида, индикатор ижро этилмай **1,3 млрд сўм самарасиз** сарфланган.

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Мирзачўл тумани бўлими томонидан дастур доирасида давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан сотиб олинган **798,3 млн сўмлик 117 та** тикув машинаси “Fahr mumín tekstile” МЧЖга **асоссиз** бериб юборилган (*ўрганишда ускуналар туман бўлимига қайтарилди*).

Кинематография агентлиги томонидан шартнома шартини бажармаган “Ёшлик киностудияси” ДУҚдан **873,2 млн сўм** авансни қайтариш чоралари кўрилмаганлиги, давлат буюртмаси асосида ишланган **12 та** фильмдан иқтисод қилинган **536,1 млн сўм**ни бюджетга қайтарилмаганлиги, якунига етмаган 4 та фильм учун шартноманинг якуний қисми 15 фоиз миқдоридаги **680,6 млн сўмни ортиқча** ўтказилганлиги маълум бўлди.

Назорат тадбирларида аниқланган ҳолатлар юзасидан расмийлаштирилган тегишли хужжатлар ҳуқуқий баҳо бериш учун Бош прокуратурага юборилди.

### III. Ривожлантириш дастурлари ва мақсадли индикаторларни режалаштириш юзасидан таклифлар

1. Вазирлик ва идоралар томонидан ички аудит хизматларининг ривожлантириш дастурлари ва мақсадли индикаторлар ижроси устидан **қатъий назорат ўрнатилишини таъминлаш**.

2. Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

мақсадли индикаторлар ижроси юзасидан **ҳисобот шаклини** (*ягона электрон платформа*) тасдиқлаш ва ҳисобот ижросини тасдиқловчи хужжатлар рўйхатини шакллантириш;

мақсадли индикаторларни ишлаб чиқиш, уларнинг ҳисобини юритиш, ижроси давомида ўзгартиришлар киритиш (*маблағларни камайтириш, ошириш, кўрсаткичларни ўзгартириш*) тартибини ишлаб чиқиш.

Мақсадли индикаторларнинг бажарилиши юзасидан ўтказилган ташқи аудит натижалари Олий мажлис Сенатига киритилди.